

جديد

2024-yil 7-iyun
№ 24(24)
www.jadid-media.uz

Tilda, fikrda, ishda birlik!

Jadid

adabiy, ilmiy-ma'rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

Ёш дўстларимга

Сизга берилиган имконни асринг!



Инсон ёши улғайған сари босидан ўтган кунлар, воқеа-ҳодисаларга хәёлан бир-бир назар ташайди. Биз каби мўйсафидлар мустабид совет тузумининг барча кўргиликларини кўрдик, ўша адопатсиз муҳитда яшадик, ишладик. Ўтган кунларимиз, табиийки, орта қайтмайди, ўтмишга эврилади. Биз эса ундан

таққослар асосида мантикий хулоса чиқарамиз, келажагимиз учун фикр юритамиз.

Янги таҳрирдаги Конституциямиз дебочасига шахсан Президентимизнинг таклифига кўра, уч минг йиллик қадими тарихимиз, бекиёс бой маданиятимиз ҳақида фуқароларда фахр-иғтихор ўйғотувчи

фикрлар киритилди. Боиси, навқирон авлод вакиллари халқимизнинг қадим шукухи ўтмишидан ғурулансин, дунё тамаддунига муносиб ҳисса кўшган буюк аждодларимиздан маънавий куч олсин. Маълумки, Шавкат Мирзиёев давлат бошқарувига келгач, аввало таълим ва тарбия масаласига

жиддий эътибор қаратди. Бош қомусимиздаги зарур таҳрирлар ҳам айнан ана шу таълимдан тарбияни ажратиб бўлмайди, деган ақидага ҳамоҳангидир. Таълим устувор бўлишида тарихий хотира билан боғлиқ миллий ғуруннинг ҳам аҳамияти катта ҳисобланади.

(Давоми 2-саҳифада). >

ТАРИХ ВА ТАҚДИР



Авлонийининг эвараси

Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбек Миллий академик драма театрининг етакчи актрисаси Гавҳар Зокирова билан суҳбатлашар эканман, тарихимизнинг очилмаган кирралари кўплигига яна бир бор амин бўлдим. Гавҳар ола ўзининг катта бобоси, атоқли маърифатпарвар, ўзбек театрининг асосчиси Абдулла Авлоний ҳақида билганинни катта хаяжон билан сўзлади. Ёниб турган кўзлари, самимий нигоҳлари, тўлқинли овози унинг бобоси ва у қолдирган бой мерос билан қанчалик фахрланишини намоён этиб турарди. Суҳбатдошимининг ҳаяжони менга ҳам юқди. Гавҳар опанинг айтганинни худди ўзи гапириб бергандай қоғозга туширишга ҳаракат қилдим.

(Давоми 7-саҳифада). >

БУГУННИНГ ГАПИ

Инсон қадрини юксалтириш йўлидаги изланишлар

ЕР ЭЛНИ БОҚҚАН, БУНДАН КЕЙИН-ЧИ?

Халқимизнинг “Ернинг умри ўтмасин, уволсабои бор” деган нақлини кўп эшитганимиз. Бугун ушбу нақл давлат сиёсатининг устувор вазифасига айланди. Мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотларини етишишир бўйича, айнича, томорка ва қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан оқилона фойдаланишининг интенсив технологиялари кенг жорий этилмоқда. Жумладан, қишлоқ жойларда бу амалиёт субсидиялар асосида самарали татбиқ этиленимоя.


Бу борада ҳукumat томонидан маҳаллалар кесимида дастурлар кабул қилинди. Унга кўра, аҳолининг кам даромадли қатламига ажратилган сармоялар ҳисобидан ноль қўйматда иссиқхоналар қуриб берилмоқда. Мабодо ўзига тўқ хонадонларда бўш турган ерга озиқ-овқат маҳсулотлари экимлаган бўлса, ўша хонадон эгасига солик қонунчилиги асосида чоралар кўрилмоқда. Максад аҳоли хонадонларидаги бўш турган томорқадан самарали фойдаланиш, унга полиз ва озиқ-овқат маҳсулотлари олинадиган экинларни экиб, худудларда деҳҳон бозорларининг нарх-навосини мўътадил саклашдан иборат.

Ростдан ҳам бир қишлоқда, дейлік, мингта хонадон бор. Борингки, ушбу оиласларнинг 95 фоизи томорқасидан унумли фойдалансин, масалан: кундаклик истеъмол учун картошка, сабзи, шолғом, пиёз, қоқов ба бошқа турдаги полиз экинларини ўз кўли билан етиштириб, рўзгори учун ғамлаб иқтисодини юритиши фойдадан холи эмас.

(Давоми 3-саҳифада). >

МУНОСАБАТ

Бадиий адабиётнинг энг улкан соҳаларидан бири, шубҳасиз, таржима санъатидир. Гарчанд таржима тарихи олис давларга бори тақалса-да, бугун ўзаро яқин ва айни замда турли тил оиласига мансуб лаҳжалардан таржима килиш анъанаси давом этмоқда. Дунёдаги энг гўзал, эътиборли, барчанинг қалбидан бирдек ўрин ола биладиган асрлар таржимаси билан тиллар табиатини чукур биладиган мутахассис – таржимонлар шуғулланади.



Таржима – диллар пайванди

Таржимон – бу юксак маданиятли, бадииятни чуқур ҳис этадиган зиёли. Унинг машақатли меҳнати туфайли зоҳирян begona кўринган эллар элларга, диллар дилларга пайванд бўлади. Таржимоннинг хизмати ортидан турли миллата мансуб одамлар бир тилда – бадиий адабиёт тилида сұхбат курадилар. Глобаллашув замони бўлган ҳозирги куни мизда жаҳон ахлигининг дунёкашари, адабий диди, менталитети, урф-удумлари ва қадрияларини билиш учун, албатта, уларнинг адабий меросидан боҳабар бўлмоқ лозим. Шу эътибордан Президентимиз томонидан яқинда имзоланган “Бадиий таржима соҳасида Муҳаммад Ризо Оғаҳий номидаги халқаро мукофотни тъясис этиш тўғрисида”ги қарор мамлакатимизда таржима адабиётининг юқалишида бевосита ҳанот бўлади.

Президентимиз олиб бораётган адабий сиёсат аталоқибат халқлар ўртасидаги дўстликни,

ОЙДИNLAR

КўНГИЛЧАНЛИК

Миртемир домла ўта кўнгилчан инсон эдилар. Бир қуни нашриётнинг узун йўлагидан бир одам домлага қараб: “Э, бормисиз, сизни ҳам кўрадиган кун бор экан-ку”, деба кучоқ очиб кела бошлади. Домла у билан хуш кайфиятда қадрдан парча кучоқлашиб. Обдон чақчақлашиб бўлишгач, яна кучоқлашиб хайрлашилар.



(4-саҳифада ўқинг). >

ТАШРИФДАН СҮНГ...

МАЪНАВИЯТ тантанаси, АДОЛАТ галабаси

Бундан икки йил бурун “Бухоронома” газетасида таникли тарихчи олим Сулаймон Иноятовнинг жадид маърифатпарвари Усмонхўжа Пўлатхўжаев қисмати ҳақидаги мақоласи ўзлон қилинган, ундаги бир лавҳа таҳририят ходимлари ва кўп сонли мухлислар қалбими ўтаган эди...

Мақолада Усмонхўжанинг фарзанди, ҳозирда хорижда яшад, илм-фан билан шуғулланаётган профессор Темур Хўжағлининг Бухорога ташрифи чоғида ота уйда (ўша пайтларда бу уй меҳмонхонага айлантирилган эди) бир кечак тунаш учун пул тўлашга рози бўлгани, ота уйда ўтказган туни унинг қалбидаги изтиробларни аллангалатгани, имкони бўлса-ю, ота мулкни харид қилиб, ҳалқа топширишга рози бўлгани ҳақида ҳикоя қилинган эди...

Бугун биз бундай хабарлар тез тарқаладиган, баҳс-муносабати ўйтадиган бир даврда яшаемиз. Тарихий хотирини тикиш билан боғлиқ бу каби масалалар доимо давлат раҳбарининг ётиборида бўлаётгани, тарихий адолатни тикиш йўлидаги сайдъ-ҳаракат ва ташабbuslar тезкорлик билан кўллаб-куватланадиган эса халқимизнинг чинакам баҳти, омадидир.

Дарвоҷе, Президентимиз томонидан жадид маърифатпарварлари, жумладан, Ҳўжаевлар суполасининг шаъни тикиш билан боғлиқ бу киши лавозимга киришган илк лиридаёт илгари сурилган эди. Пойтахтимиздаги Қатагон курбонлари хотириси музейнинг жойлардаги филиаллари сифатида ҳар бир вилоядатда шу номдаги музей ташкил этилгани ана шундай ташабbuslar самараси бўлди.

(Давоми 5-саҳифада). >

давлатлараро ҳамжиҳатлини мустаҳкамлашга қаратилгани ҳаммамизга кундай равшан. Бу тарихий қарор туфайли ўзга халқлар ва давлатлар ўзбек халқининг маданий-маърифий меросидан баҳра олиб, қадимий ва бой адабиётимизнинг забардаст сиймолари ҳамда умрбоқий асрларни воситасида Янги Ўзбекистоннинг маънавий қиёфасини тўлақонли тасаввур этиш имкониятига эга бўлади.

Бу халқаро мукофотнинг мумтоз шоиримиз Оғаҳий номидаги аталиши ўз тарихий асосига эга. Зоро, Муҳаммад Ризо Оғаҳий Мирхонднинг “Равзат ус-сафо”, Восифийнинг “Бадоэъ ул-вақоэъ”, Саъдийнинг “Гулистон”, Низомийнинг “Хафт пайкар” ва бошқа кўплаб тарихий-бадиий асрларини форсчадан ўзбек тилига катта маҳорат билан таржима қилган.

(Давоми 5-саҳифада). >

Тараққиётнинг асосини аввало илм-маърифат, сўнгра иштиёқ ва ҳаракат ташкил қилади. Жамият давлатнинг ривожи, унинг эртанги куни таълим-тарбия сифатига боғлиқ.

Президентимизнинг яқинда мактаб битирувчиларига йўллаган табригига катта ҳаёт остонасида турган ўтил-қизларимизга юксак ишонч билдирилиб, қўйдаги фикрга алоҳида эътибор қаратилган: "Жонажон Ватанимизнинг келажаги, унинг тақдиди ва тараққиёти бугун шинам синфхона ва аудиторияларда кунт билан таълим олаётган ёшларниң кўлида. Улар эртага Ўзбекистонни жада кучли, ривожланган ва баҳхода давлатга айлантириш учун ўзларининг бор билими, иқтидори ва куч-ғайратини сафарбар кўлса, кўзлаган мақсадларимизга, албатта, эришамиз". Бу сўзлар нафакат ёш авлод учун, балки уларнинг устоз-ўқитувчилари учун ҳам фоят аҳамиятидир.



XXI аср аҳборот ва технологиялар даври симифатида баҳоланмоқда. Истаймизми-йўқми, бугун замондан орқада қолмаслик учун ҳар жаҳбада шикоатли бўлишга мажбуримиз. Хусусан, илм олиш ва илм беришда ҳам. Ўзбекистон халқаро ислом академияси қўшидаги "Ziyo-zukko" умумтаълим мактаби директори Наргиза Қамариддинова билан бу борада фикрларимиз бир жойдан чиқди.

Биз мактаблар фаолиятига оид ҳикояларимизни давом эттириш мақсадидаги бу гап ана шу маскана йўл олдик. 650 нафардан ошик ўқувчига нафакат ўрта таълим, балки ўрта маҳсус ва олий ўқув юртида таҳсилни давом эттириши учун юқори даражада билим бериш йўлга кўйилган ушбу нуфузли мактабда ёёғ имтиҳонлар қизғин давом эттаётган экан.

Аввало, бу ерда барча устоз ва мураббийлар киши руҳиятига кўтарилини бағишловчи оч бинафшаранг тусли маҳсус энгил-бошда эканлиги эътиборимизни тортиди. Шунинг ўзиёқ мактабда ўзига хос янгиланиши мухити борлигидан далолат беради.

"Ziyo-zukko" умумтаълим мактаби ривожланган мамлакатларда кенг тарқалган кампус, яъни таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш тизимида ташкил этилган бўлиб, болали мактабдан лицеятга ва ундан олий таълимга тайёрлаб бориши билан ҳам бошқа нодавлат таълим муассасаларидан ажralиб туради. Бу ерда таълим миллӣ қадриятларимиз асосига курилган бўлиб, ўқувчиларнинг билим дарахаси мактаб муассиси ҳисобланган. Халқаро ислом академияси олимпии томонидан мунтазам кутаби борилади.

Мактабда ўқувчиларнинг кун тартиби қатъий назоратга олинган. Куннинг биринчи яримда давлат таълим стандартлари ва дастурларда белгиланган талаблар асосида ўқув фанларидан машгулотлар олиб борилади. Кейинги босқич тўғраклар ва ўқувчилар қўзиқкан фанлар буйича кўшимча дарсларни ўз ичига олади. Устозлар-

Сўнгги қўнғироғи чалинмаган мактаб

нинг айтишича, ўқувчилар тўғракларнинг ҳамасига қатнашиша ҳаракат қилади. Шунингдек, уларни спорт турларига қамраб олиш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилади. Жумладан, ақл гимнастикаси бўлмиш шахмат машгулотлари кун тартибидан доимий ўрин эгаллаган.

Бундан ташқари, маҳоратли устозлар раҳбарлигидаги адабиёт, тасвирий санъат, мусика,

беради, ҳаётда эса ана шу билим билан кифояланниб бўлмайди. Оддий мисол, кечаги ҳарф теградиган машинкаларга бугун эҳтиёж йўқ. Ўз-ўзидан, "машинистка" касби ҳам барҳам топди.

Шиддатли асримиз устозлардан ўқувчини ҳеч қачон билим олишдан тўхтамасликка ўргатишни ҳам талаб этмоқда. Боз устига, болаларда мағкуравий иммунитетни шакллантириш мажбурияти ҳам кундан-кунга ошмоқда. Қайси маънодаки, керакли маълумот қидириб компьютер клавишини босар экан, у ўзи учун мутлақо керакзис, менталитетимизга зид маълумотлар билан ҳам тўқнаш келади. Болга бундай хатардан холос бўлиши учун унда айнан мағкуравий иммунитет ривожланган бўлиши зарур. "Ziyo-zukko" ўқитувчилар жамоасининг бош мақсади эса ўз ўқувчиларни ҳололик ва маърифат вакцинаси билан эмлаш" орқали ҳар томонлами комил шахсларни тарбиялашдан иборатdir.

– Ўқувчиларимиз онига сингдиришимиз лозим бўлган энг долзарб масала бу – уларда илмига иштиёқ ҳиссими кучайтиришдан иборат, – дейди мактаб директори Наргиза Қамариддинова.

– Илми одам ҳамиша ҳалол яшашга интилади.

Хозирги кунда тарбия асосий масала бўлбиг копди. Мен болаларимиз дунён саҳнидаги нафакат интеллектуал салоҳияти, балки ахлоқи, одоби билан ҳам донг тартишини хоҳтайман. Бу йўлда биз ота-оналар ва Ўзбекистон ислом академияси билан ҳамкорликда фаолият олиб борямиз.

Ўқувчининг қайси фанга лаёқати кучли эканига қараб, улар билан индувидуал тарзда ишляймиз.

"Ziyo-zukko" мактабида "Кичик академиклар" клуби ҳам ташкил килинган. Клуб аъзолари ўзларни кизиқтирган бирор мавзу юзасидан илми илманишлар олиб бориб, тўплаган маълумотлари ёки иктиrolariiga оид тақдимотлар ўтказишади. Бошланғич илмиш ишларини 10-12 дакиқа давомида химоя килишади. Академиянинг илми ходимлари эксперт сифатида ўқувчиларнинг тадқиқотларини мухокама қилади. Тақдимотлар, аввали, ўқувчининг нутк маданиятини яхши ўлашибтириши, фикрини бемалол баён этиш кўнимини ривожлантиришга хизмат килиши билан ҳам аҳамиятидир. Кичик академикларга, албатта, дипломлар топширилади ва "Йилнинг энг яхши ўқувчиси" номинациясига номоздан ҳам айнан уларнинг орасидан танлаб олиниди ва мукофотлар билан рафтаглантирилади.

– Ҳозирги ўшларнинг интеллектуал салоҳияти баланд, – дейди сұхбатимизга келип кўшилган Халқаро ислом академиясининг илми ишлар ва инновациялар бўйича проректори Зоҳиджон Исломов. – Айниқса, "Ziyo-zukko" мактаби ўқувчиларининг илмiga иштиёқ ўзгача. Улар орасида футбол ўйнайдиган робот ясаган кашфиётчилар бор. Кечаги тақдимотда 7-сinf ўқувчи юртимизда туристик маданиятни ривожлантиришга оид ишини химоя қилди. Унинг фикрлари олим сифатида жем жуда ҳайратлантириди. У факат илмий асралар ва дарслар орқали эмас, ўзининг шахсий кузатувларидан ҳам унумли фойдаланган, тақдимот давомида катта-катта олимларимиз каби мулҳоззаза юриттили. Бир нарсага хурсанд бўламан, мактабнинг ҳар бир ўқувчиси "имлҳасталиги"га чалинган. Бу мактабнинг юртимизда таълимга бериладиган эътибор ортидан малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнидан ўз ўрни, ўз маъкеи бор.

Дарҳақиқат, бугун ўқувчига чукур ва сифатида билим бериси билан бирга уларга қонунлар, одоб-алҳол нормалари, дину діёнат ва маънавиятни мактабдан бошлаб пухта ўргатиш ниҳоятда мухим масаладир. Зиёли, ўқимиши ва тарбияли инсонлардадан ёмонлик чиқмайди. Билимиз кишининг кўнгли эса бузук ишларга, хурофотга мойил бўлиши сир эмас. "Ziyo-zukko" мактабининг яна бир эътиборга молик томони, бу ерда таълим ва тарбия ишларига худди "сиам эгизаклари" каби чамбарчас боғлиқ масала сифатида қаралади.

Эътиборли жиҳати, мактаб молиявий жиҳатдан ўзини ўзи тўлиқ таъминлайди. Бу ерда бошқа умумтаълим мактабларига нисбатан болалар билан индувидуал ишлаш учун кўпроқ имконият мавжуд. Ўқувчи "Ziyo-zukko" мактабида нафакат ўйиди, балки яшайди ҳам. Чунки улар эрталаб дарсга келиб, оқшомда уйига боради, бу орада уч махал овқатланади, уй вазифаларини тайёрлайди. Бошқачароқ айтганда, мактаб унинг иккинчи уйига айланади. Шу боис устозлар ўқувчиларига деярли уларнинг ота-онаси даражасида муносабатда бўлади. Бола ҳам устозни ўзига якин тутади. Биз "Ziyo-zukko" таълим масканида ана шу яқинликни хис этдик. Мактаб раҳбарининг лойҳасини химоя килаётган ўқувчини саволга туттанида "Фикрни охиригача айтиб олишимга изн беринг, сўнг, албатта, саволингизга жавоб бераман", деган гапидан хурсанд бўлиши, "Ўқувчим ўз фикрига



эга, бирорнинг бир оғиз танбехи билан синиб, маҳзон тортиб қолмайди", деб ҳолатни икобий қабул қилиши ҳам мактабда хур фикрли ёшлар тарбияланадигани дарак берди.

Сұхбати ўкув йили яқинда имтиҳонлар билан боғлиқ масалаларга бурар эканман, баъзи мактабларда ҳамон давом эттаётган ота-оналардан "пуп یифиши" муаммолари тўғрисида сўрадидим.

– Бу каби масалалар бекорга мамлакат миқёсида кўтарилимади, – дейди Наргиза Қамариддинова. – Ҳақиқатан ҳам, имтиҳон олдидан майдо-чўйдаларни рўқан килип ота-оналардан пул сўраш ҳоллари ҳамон учраб турбиди. Бу борада ҳаддан оштаётганлар ҳам йўқ эмас. Мен раҳбарлик қилаётган мактабда бунқа гап йўқ деб бемалол айтила. Чунки бузулади таълимни таъминлашадиганни иштадиган. Бу мактабнинг юртимизда таълимга бериладиган эътибор ортидан малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнидан ўз ўрни, ўз маъкеи бор.

Дарҳақиқат, бугун ўқувчига чукур ва сифатида билим бериси билан бирга уларга қонунлар, одоб-алҳол нормалари, дину діёнат ва маънавиятни мактабдан бошлаб пухта ўргатиш ниҳоятда мухим масаладир. Зиёли, ўқимиши ва тарбияли инсонлардадан ёмонлик чиқмайди. Билимиз кишининг кўнгли эса бузук ишларга, хурофотга мойил бўлиши сир эмас. "Ziyo-zukko" мактабининг яна бир эътиборга молик томони, бу ерда таълим ва тарбия ишларига худди "сиам эгизаклари" каби чамбарчас боғлиқ масала сифатида қаралади.

Дарҳақиқат, мактаб молиявий жиҳатдан ўзини ўзи тўлиқ таъминлайди. Бу ерда бошқа умумтаълим мактабларига нисбатан болалар билан индувидуал ишлаш учун кўпроқ имконият мавжуд. Ўқувчи "Ziyo-zukko" мактабида нафакат ўйиди, балки яшайди ҳам. Чунки улар эрталаб дарсга келиб, оқшомда уйига боради, бу орада уч махал овқатланади, уй вазифаларини тайёрлайди. Бошқачароқ айтганда, мактаб унинг иккинчи уйига айланади. Шу боис устозлар ўқувчиларига деярли уларнинг ота-онаси даражасида муносабатда бўлади. Бола ҳам устозни ўзига якин тутади. Биз "Ziyo-zukko" таълим масканида ана шу яқинликни хис этдик. Мактаб раҳбарининг лойҳасини химоя килаётган ўқувчини саволга туттанида "Фикрни охиригача айтиб олишимга изн беринг, сўнг, албатта, саволингизга жавоб бераман", деган гапидан хурсанд бўлиши, "Ўқувчим ўз фикрига

ишилди. "Ziyo-zukko" мактабидан чиқа турив, газета-мизга сурат олиш баҳонасида бинони айландик. Зиналарга математик, қоидалар, кўпайтирув жадвали, ҳарфларнинг бошқа тилларда ўқилишчар таддийларидан ўзгариши мавжуд. Чунки мактабда ҳамон мактабига меҳр мухассам. Уларни кузатади, бу болалар таътил пайтида ўйларида ҳам шаромда ўқиши-ўғанишида давом этади, деган комил ишонч тусадан киши. Зоро, француз адиби Эмиль Золя айтганидай, умринг бутун маъноси мавҳумлини тұхтосьз забт этиши, тобора ва кўпроқ билишга интилишдан иборатдир.

Муҳайё ПИРНАФАСОВА

ФИКР

Баҳордан кеч кузгача ҳар куни
эрталаб турбиди, торгина ҳовлимиздаги
дастурхондеккина боғчада ўсаётган
экинларга боқаман. Ҳар куни үзга-
ради. Үсади. Улгайди. Кечагина кўм-
кўй бўлгун гилос қизара бошлайди.
Эрта-индин кип-қизил бўлиб пишади.
Кеча гуллаган бодрингча бугун гугурт
донаси бўйи бўлиб колади. Беш-опти
кун деганда узадиган ҳолатга кела-
ди. Ўтган ҳафта кечипаш хусайнинга
эртапишар Наманган чиллаксими
пайванд қилган эдим. Бугун қарасам,
баргчалар чиқаруб, кўкара бошлабди.

Олмаларни айтмайсизми? Кун сайн, соат сайн, дакиқа сайн йириклиша бор-япти. Танаҷажанинг учига тукканлари оғирлашаверганидан шохни ёига ўшшаб қий-шайтирибди. Охири кечя, иложини топиб, айри кўйдим.
Табиат бир сония ҳам жим турмайди.

СОНИЯЛАР СЎРДИ

Шундай экан, нега мен сонияларим, дакиқаларим, соатларим, кунларим, ҳафталарим, ойларимни... бекор ўтказишмади керак!

Кўнгил: "Ёё, ёё, ёё!" – дейди. Ёзмаслигимга кўядиган хаёли йўқ унинг.

Компьютер каршисига ўтирганимда ўнг кўлимдаги бир китоб жавонида фақат ўзимнинг китобларим ёхуд менинг ҳам озми-кўпми иштироким бўлган нашрлар оғорланган. Жавоннинг буш ери қолмаган. Шуларга қараб-қараб ёзмади. Қараганим сари ёзгим келаверади.

Ахир, китобнинг умри инсоннинг умрдан узоқрок бўлади-ку.

Лекин...

Ана шу "лемкин" қийнайди-да кишини.

Нима тарқалган? Бармоқ билан санарли нусхадагина китобат қилинган. Асрлар ўтиб, ўқилди-ку! Ўқилапера-ди ҳам.

Фикрлаш – ин

Авлонийнинг эвараси

Бошланиши 1-саҳифада.

КҮП ВОҚЕАЛАРДАН БЕХАБАР ЭДИМ

Очиғи, болалигимда ҳам, мактабда, ҳатто институтнинг биринчи курсидан ўқиб юрганимда ҳам ажодларим ҳакида ҳеч нарса билмасдим. Ҳуҗжатларимда отам – ҳарбий, онам – инженер деб ёзилганди, холос. Отамини вафот этиб кетган, деб юрардим. Мактабни битириб, Политехника институтига ўшига кирдим. Шу даргоҳда бир йил ўқиб ҳам актриса бўлиш орзусидан воз кечга олмадим. Биринчи курсни тугатиб, Тошкент театр санъати институтига қайта ҳужжат топширдим. Ҳамма ҳайрон: оиласизда санъатга алоқадор одам бўлмаса, мендаги бу ҳавас, интилиш қаердан пайдо бўлди? Бу ёқда онам, “Артист бўялсанми?” деб роса йиғлаган.

Театр санъати институтидаги Ғуломов деган домламиз бўлариди. Ҳолам Ҳакима Авлонова педагогика институтидаги ишларди. Ғуломов домла ўша ерда ҳам дарс берар экан. Ҳолам кишига жиёни эканимни айтиби. Домла бир дарсда: “Биласизми, сиз Абдулла Авлонийнинг эварасизис. Бу инсон ўзбек театрининг асосиси бўлган”, деб қолди. Ийӯ, деб жуда ҳайрон бўлдим. Ўйга қайтгач, бу ҳақда онамдан сўрадим. Шундагина нима учун ўйнимизда Абдулла Авлонийнинг портрети сакланишини тушундим.

Ха, у пайтларда одамлар орасида кучли кўркув борди. Шунинг учун ҳам кўп воқеаларни яширишган. Театршунос олим Мамажон Раҳмонов, жадидшунос Бегали Қосимов китобларини ўқиб, катта бобом ҳакида анча-мунча нарсани билиб олганман. Авлонийнинг хизматларини юзага чиқарган Begali Қосимов бўлади. Ўша даврда Абдулла Авлонийнинг номидаги малака ошириш институтидаги Жўра ака деган киши директор бўлиб, Авлонийга бағишланган тадбирларни ўтказиб турарди. Бу тадбирларда онам, Ҳакима опам, Кенжак акам, мен қатнашардик. Лекин у пайтлар ҳеч қаерда “жадид” сўзи тилга олинмаади.

ҲАЙРАТДАН ТУГИЛГАН САВОЛЛАРГА ЖАВОБЛАР

Абдулла Авлонийнинг эвараси эканимни билганиндан сўнг ўз-ўзидан кўнглимда унинг меросига жиддий қизиқиш ва саволлар пайдо бўлаверди. Жавобни эса Абдулла Авлонийнинг аёли Саломат бувидан, Ҳакима ҳолам ва онамдан топғанидан. Айтганча, Саломат бувим 1971 йили, 90 ёшда оламдан ўтган. Бувимдан эшигтанларни шундай бошланади: “Абдулла Авлонийнинг фарзандлари 13 нафар бўлиб, улардан фақатни Сора, Карима, Оталиқ, Асалтилло, Ҳакима ва Кенжак яшаб қолишиган. Оталиқ урушда ҳалок бўлган. Асалтилло 1933 йили ичбурурга касаллигидан вафот этган. Кенжак исмли ўғли эса йирик киммётар бўлиб, 70 йил умр кўрган”.

Абдулла Авлонийнинг бобоси Мирнеъматбой Авлонийнинг Мирбод туманида жойлашган дала ҳовлиси ўғиллари Абдулла ва Мирсадидка мерос бўйлаб қолган. Бу ҳовли 1991 йили бузилган. Авлонийнинг отаси Миравлон доданинг хотини Фотима ая тўкувчи бўлган. Улар уч фарзанд кўришган: Сора, Абдулла, Мирсадид. Фотима ая фарзандларига ҳар куни кечқурун китоб ўқиб бераркан. Ўша даврда аксарият аёллар, айниқса, жадидларини зиёли хотинлари фарзандларини саводхон қилишда катта рөль ўйнаган. Айтishларича, Абдулла Авлоний нюхоятда оипапарвар инсон бўлган. Фарзандларининг соглом ўсимли учун ҳовлисизда спорт майдончasi ташкил қилган. Ўзи ҳам шу майдончада шуғулланган. 1919 йили, айни очарчи-



Суратда: Абдулла Авлоний (биринчи қатор, ўнгдан иккичи) ўқитувчилар билан бирга.

КУТИЛМАГАН ВОҚЕАЛАР

Тақдир деганлари сир-синоатларга бой. Сора бувим оламдан ўтган йили Ёкуб бувам Туркияда қайта уйланган. Кейинги аёли Фаҳоматхоним билан нижоидан бир ўғил кўрган ва исмими Олтой деб кўйган.

Хўш, биз буларни қаердан биламиш? 1991 йили Ўзбекистон мустақилликка эришгач, расмий ташриф билан Туркияга борган делегация таркибида театризмнинг атоқи актёри, раҳматли Зикир Муҳаммаджонов ҳам бўлган. Онам Ёкуб додамнинг бир дона суратини сақлаб юрарди. Зикир аканинг Туркияга кетаётганини эшишиб, дарак топши умидида шу суратни бериб юборишимни сўзлаб берганди.

Саломат бувимизнинг айтишича, Абдулла Авлоний кечалари ўқиши, ёзиш-чиши билан шуғулланган, столга кўйб кетилган овқатлар кўпинча кўл теквизилмай қолиб кетаркан. Авлоний бобомиз 1916 йили “Лайли ва Мажнун” спектаклини саҳнага кўйиш учун Озарбайжондан машҳур актёр Сидкий Руҳилло ва Закий Боязид деган режиссёрини ўйига таклиф килиб, спектаклини ўз ҳовлисида саҳнага шундайга кетади. Зикир аканинг Туркияга кетаётганини эшишиб, дарак топши умидида шу суратни бериб юборишимни сўзлаб берганди. Сафар расмий бўлиб, уч кунда тугагани учун Зикир ака бирор нарсани аниқлашга улгуролмаган. Сафардан қайтгач: “Гавҳар, хафа бўлма, суратни ўглигима (ўгиллари Туркияда ишларди) бериб келдим. Суриштириб жавобини айтади”, деди. Шу тариқа Ёкуб доданинг оиласи топилди. Аёллари Фаҳоматхоним ва Олтой билан телефон орқали бўлган. Афсуски, ёкуб бувам Туркиядан қайтгач: “Гавҳар, хафа бўлма, суратни ўглигима (ўгиллари Туркияда ишларди) бериб келдим. Суриштириб жавобини айтади”, деди. Шу тариқа борсам, Ўзбекистонда қариндошларим бор, мени хафа қилдириб кўймайди, дейман”, деб ҳазиллашарди.

Олтой Туркияга қайтгач, онам ва амак виза билан бу мамлакатда бўлишиди. Афсуски, ўша пайти Жамшид акам ва менинг имкониятим бўлмагани учун бора олмадик. Онам юртимиздаги онасининг мозоридан тупроқ олиб кетганди. Шу тупроқни отасининг Туркиядаги мозорига, у ёқдан олиб келган тупроқни эса онасининг мозорига селиб, “руҳ тинчтар” қилди. Энг муҳими, отаси Туркияда обрўли инсон, таникли олим бўлганини билиб қайтди. Шундан сўнг Олтой ўғилли бўлди, онамнинг шарафига ўғлакининг исмини Турғун кўйишиди.

АВЛОНИЙ ВА ФАРЗАНДЛАР

Абдулла Авлонийнинг 1934 йили тиши олдирганида қон заҳарланишидан вафот этган, дейишиади. Бухоролик Дилноза исмли олима аёл “Авлоний атай заҳарланинг” деган тахминни айтган. Бувимнинг ўз кўли билан ўқитган таржими ҳолида “Мен жадидлар сафига кирдим”, деган гап бор. Шу сабабли бу тахмин тўғри бўлиши мумкин. Энг қизиги, Абдулла Авлонийнинг ўлимидан ярим йил ўтгач, оиласи бериладиган, Саломат бувим оладиган нафақа тўхтатиб кўйилган. Карима қизларини ҳам ишдан бўшатиб, кейин бошқа жойга ишга қабул қилишмаган. Яхшиямки, бувимнинг иккита сигири бўлган. Шу сигирлар бувимнинг қизлари, унинг фарзандлари ва онамнинг иккি боласини боққан.

Муҳими шундаки, Абдулла Авлонийнинг асрлари “ёкиш-ёкиш”лардан омон қолган. Ҳамма асрлари, ҳатто конференцияда қатнашиш учун берилган бир парча қоғозча ҳам сакланғиб қолган. Бувим ёз пайтлари чордоқдаги ҳамма асрларни ҳовлида ёйиб, чангларини артиб-суртиб, яна жой-жойига таҳлаб қўяди. Бу асрлар Авлоний вафотидан 34 йил ўтиб биринчи марта чоғ этилди. Биринчи китоб чиққанида бувим ҳали ҳаёт эди. Саломат бувим онамга: “Болам, даданг вақтида ўлиб кетди. Бўлмаса, бизнинг ҳозирги аҳволимиз қандай булиши ёғлиғи Ҳудога аён эди”, деган экан. Бу гапларнинг айтилишига жиддий асослар бор эди, албатта. Ҳа, жадидларга осон бўлмаган. Лекин улар ҳамма жойда “Жамиият ҳайрия” очиб, бор-будини ҳалқ учун сарфлаган. Абдулла Авлоний ҳам 1917 йили “Турон” газетасини очади ва мухаррирлик қилади. Газетанинг бир сонида Мирмуҳ-

син Шермуҳаммадовнинг “Икки тарихий воқеа” номли мақоласи босилади. Шу мақола сабаб кўпичлик Авлонийнинг уйига бостириб келади. “Сен коғирсан, ўлсан, жонанзон ўқимаймиз”, деб таҳдид қилишади. Охири, “газета босмайман”, деб сўз беришга мажбур бўлади.

Авлонийнинг энг ибратли фазилати – аҳли аёлига, оиласига, ватанига, ҳалқига, ишига фойдайлиги. Бувимнинг айтишича, у иши ҳакиқий оилапарвар ота бўлган. Бувим неварали бўлгани билан, кизи билан невараши бир-бираидан борйиб бир ўшга фарқ қилган. Авлоний бир куни қизига битта кўйлак олиб келади ва невараши ҳам борлигини кўриб, аёлига “Кўйлакни сандиқа солиб қўй”. Яна битта топиб келиб, кейин кийдирман”, дейди. Бир йилдан кейин худди шундай кўйлак келтириб, қизи ва неварашига баравар кийдирди. Фарзандларига ростмана меҳр берганининг яна бир исботи: Кенжак акамга варрак ясад бериб, бирга учираркан. Ҳовлига ўзи гул экиб, аёлига гул парваришида ёрдам берар экан. Қизлари Карима ҳоламнинг ёзғанларидан бир воқеа ёдимда қолган. Бир куни Саломат бувим меҳмондадигида гул экаётib, бирдан бобомнинг бели кирсиллаб кетади ва қимримлоплат қолади. Карима ҳоламга: “Қўрқма, чойхонага бор-да, табиби топиб кел”, дейди. Бувим ўйга келгач: “Қўрдингизми, агар сиз ўйда бўлганингизда, белим чиқиб кетмасди”, деб ҳазилашади. Абдулла Авлонийнинг дийдаси каттиқ бўймаган. Бироннинг дилини оғртиш, каттиқ гапириш у кишининг феълига ётди. Ниҳоятда болжон бўлиб, фарзандларига эртаклар айтиб бераркан.

Балки, кўпичликнинг ҳабари бордир, лекин яна бир бор таъкидлаб ўтишини истардим, жадидларнинг дэврли ҳаммаси ўзига тўқ өдамлар бўлишган. Лекин борини ҳалқ унинг сарфлашади. Улар мактабларни ўз ҳисобларидан очиб, ёшларга диний ва дунёвий илмлардан белуп таълим беришган. Ўқув дарслекларни ҳам жадидларнинг ўзлари ёзган. Масалан, Авлоний досканни ҳам, партани ҳам ўз қўли билан ясаган экан. Жадидлар ҳамма фарзандларини илмли қилишган. Абдулла Авлонийнинг энг қисичи Ҳамшид исмий ўғли Кенжак акам ва аёли Раъно опам кимёгар олим бўлишган. Уларнинг Жамшид исмли ўғли етук олим бўлиб, ўтган асрнинг 90-йиллардан бошлаб 20 йил Америкада яшади. У киши Раъно опам кексайиб қолгач, онаси учун Сижхакда ўй курил, Америкага қайтмади ва етти йил Раъно аяга қаради. Ҳозир ҳам ўзбекистонлик талабаларга дарс бериб, американликлар билан ҳамкорликда илмий изланишлар олиб боряпти.

МЕН БАХТЛИ АЁЛМАН

Мен шундай бахтли аёлманки, Абдулла Авлоний қаламига мансуб ҳамма асрларни, у иши ҳакиқидаги барча тағсилотларни ўқиганман. Ҳозиргача жадидлар ҳакида қандай янгилик бўлса, ўқиб бораман. Авлонийнинг шөрьларини ҳам севиб мутолаа қиламан. Шундай бахт, ҳам соҳиран, ҳам ботинан жадид бўлган инсоннинг авлоди эканимдан фахрланаман. Бобомизнинг эл-юрт учун килган хизматлари беҳисоб. Аммо уларнинг ўнг муҳими, ўша давр учун ниҳоятда зарур бўлган мактаб, газета, театрини ташкил қилиш ва ривожлантириш ўйлидаги саъи-ҳаракатлари деб ўйлайман. Чунки жадидлар яшаган даврда Турсустан болаларини илмли қилиши ўнг асосий масала эди. Биргина “Ўқимаган боланинг аҳволи ёки Падарқуш” асари ўз даврида одамларга чакмок ургандек таъсир қилгани аник. Шу ўринда ўзларининг “Биз зоҳирда театр билан шуғулланган бўлсак ҳам, ботинда ишларимиз Туркистон ёшларини инқиlobiga ҳозирлов эди”, деган сўзларни эспаш ўрнли. Жадидларнинг барчаси, жумладан, Абдулла Авлоний ҳам ишларидан ишшади.

Сотиболдиев Мулла Абдулоғон – 1899 йили Андикон шахрида туғилган. “Миллий иттиҳод” ташкилоти аъзоси. 1932 ва 1933 йилларда аксилиниқлобий фаолияти учун қамоққа олинган. Ҳибса олинган пайтда аниқ машғулоти бўлмаган. Аксилиниқлобий тарбибот олиб борганинда айбланиб, 10 йил меҳнат-тузатув лагерига хукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган.

Сотиболдиев Абдулла – 1899 йили Андикон шахрида туғилган. “Миллий иттиҳод” ташкилоти аъзоси. 1932 йили аксилиниқлобий тарбибот олиб борганинда айбланиб, 10 йил меҳнат-тузатув лагерига хукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 17 ноябрдан ҳисобланган.

Сотиболдиев Абдуллоҳиз – 1900 йили Андикон шахрида туғилган. Босмачилик курашининг фаол иштирокчиси. “Миллий иттиҳод” ташкилоти аъзоси. Совет ҳокимиятига қарши аксилиниқлобий тарбибот олиб борганинда айбланиб, 10 йил меҳнат-тузатув лагерига хукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 20 октабрдан ҳисобланган.

Аглаев Яҳҳе – 1911 йили Бухоро шахрида туғилган. Фарғонада нолегал аксилиниқлобий газета чиқаришида. “Миллий иттиҳод” ташкилоти аъзоси. Совет ҳокимиятига қарши аксилиниқлобий тарбибот олиб борганинда айбланиб, 10 йил меҳнат-тузатув лагерига хукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 6 ноябрдан ҳисобланган.

Авилиёзода Маҳмуд – 1900 йили Андикон шахрида туғилган. Босмачилик ҳаракатида фаол иштирокчisi. “Миллий иттиҳод” ташкилоти аъзоси. 1933 йили аксилиниқлобий тарбибот олиб борганинда айбланиб, 10 йил меҳнат-тузатув лагерига хукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 26 ноябрдан ҳисобланган.

Сотиболдиев Абдулазиз – 1900 йили Андикон шахрида туғилган.



ТАРМОҚЛАРДА НИМА ГАП?

Бозорлар нега ҳувуллад қолди?

Бу ҳақда ёзсам, батафсил тұхталиша тұғри келади. Бирок мен үзін гувохи бўлган ҳолат-ларнигина ёзмочиман.

ГУРУЧ БОЗОРИДА:

Чет элдан вагонлаб гуруч олиб келишиди, кўриниши "Лазер" на вига жуда ўшаб кетса-да, таъми бемаза. Асосий харидори Хоразм турuchi билан улгружи савдо килувчиликар. Улар тоза навлни "Лазер"га соҳасини арапаштириб, асл нав деб идода қилип, арзонроқка пуллашади. Бу менинг билганим, билмаганим қанча.

ЗИРАВОР БОЗОРИДА:

Тоза зирағи сабзи урги арапаштириб сотишади. Сабзи урги кўринишидан зираға ўшайди, нархи эса "капейка" туради.

Майдаланган бир кило тоза занжабилга камида беш кило мақкажӯҳори ундан арапаштириб сотишади. Занжабил фалон сўм, мақкажӯҳори уни эса ўта арzon.

Асл сиркага оддий уксус кўшиб, ҳидин ўтиқ қилишади ва 10-15 йил сакланган, деб алдашади. Аслида, тайёрланганига бир йил ҳам бўлмаган.

ЧОРВА БОЗОРИДА:

Мол ва қўйларни семиртиришда гармондорилардан фойдалана-диганлар борлиги сир бўлмай колган. Бундан ташқари, молни сотовуга олиб чиқишдан аввал кўп микдорда туз кўшилган ем беришади ва шўр эмдад чанқаган мол 30 литргача (балки, ундан ортиқроқ) сув ичади. Тарозига қўйилганда камида 20-30 килогача оғирроқ тош босади. Қарабисизи, харидор камида 800-900 минг сўм

пулни сув учун тўлайди. Опувчини авраш учун сохта харидор бўлиб нархни сунъий оширувчilar ва бошча ғарбиликларни санаб адогига етиб бўлмайди.

"ЗАПЧАСТ" БОЗОРИДА:

Энг харидоригир "запчаст"ларни Хитойга буюртма беруб, кўринишини аспдай қилиб тайёрлатиб олиб келиб, "оригинал завод" деб сотишади. Албатта, ҳамма савдогарлар га бундай эмас.

МОШИНА БОЗОРИДА:

Бу ердаги қаллобликларни айтмасак ҳам кўпчиликка аён. Биргина мисолни айтиб ўтаман. Сотиладиган мосинанинг янги аккумулятори ўрнига "уғача етиб оладиган"ини кўйиб, чириган ўрнинди устига янги қоплама кийдириб, "Мошина севежий, қараб кўйилган", деб харидорларни чув туширишади.

КИЙИМ ДЎКОНЛАРИДА:

Ўзимизда тикилган кийимларга хориж фирмаси ёрликларини

ёпишириб, "оригинал, чet элники" деб харидорларни "кийдиришади".

Энг ачинарлиси, раҳимимни кептиридигандан, дўконларга ёки улгрожи сотовчиларга мол етказиб бераеттган савдогарлардир.

Масалан, чет элдан мол олиб келиб ёки ўзимизда ишлаб чиқариб "оптом"чиларга ўн минг долларларга басияга беришади. "Оптом"чи эса молнинг тўртдан бирига ҳақ беруб, тагин ўн минглик товарни басияга олиб кетади. Мол эгаси "оптом"-

чидан аввалгилари учун қатъий хисобот талаబ қиласа, у хисобот беромаслиги тайин. Чунки сотилган молларнинг асосий қисмига ё мосина олган ё "участка" қурган. Мол берувчи "оптом"чига ипсиз боғланиб қолади. Чунки энди "оптом"-чининг пули ҳам йўқ, омбори ҳам бўш. Ягона чора, улгрожи савдогар билан муроса қилиб, узлукис мол беруб туриш бўлади, холос. Акс холда "оптом"чи зарда қилиб, мол эгаси пулни умуман ололмаслиги мумкин.

ҚАНДОЛАТ БОЗОРИДА:

Ўзимизнинг ишлаб чиқарувчилар қандарини таники фирмалар номи ёзилган қозголарга ўраб, харидорга "Бу энг тозаси, ҳакиқий маҳсулот", деб алдаб сотишади.

Яна "ёрлиқ" ва қандоғоз ясовчилар "Любой фабрика" ё заводнини ўзидай қилиб яслаб берамиш, пошшосим ажратолмайди", деб мақтаниб ҳам кўйишади.

Эҳ-ҳе, гапирса, гап кўп. Яна "Нега барака йўқ, нега бозорлар навошаб қолди" деб сабабларни бошча ёқдан қидирамиз.

Тагинам бизни ер кўтариб турибди. Кейинроқ "Нега касал кўп, нега дориларнинг таъсири йўқ?" деган саволларга тўхтамалимиз.

Юқорида ёзганларим барча бозорчиларга тегиши эмас, албатта. Юртимизда ҳалол, ростгўй савдогарлар кўп, аммо "Бирничи мингга, мингничи туманга уради" деган ҳалқ наклида ҳам ҳақиқат бор эканини ҳаёт кўрсатиб турибди. Саломат бўлинглар.

Муҳаммад ИКРОМ
саҳифасидан олинди.



Хусан СОДИҚОВ чизган сурат.

ҲАЖВ

ЎҚСУК КЎНГИЛ

ЗАГС¹ ходимлари маним бахтимни қора ёздилар, Ёзибон, боз устига туфлаб печотин бостилаар.

Хур деган, пайкар деган таърифлара тамшанишам, Ҳол будур, макрин йўлида дам олар алвастилар.

Итланиб ойга боқиб солғон увиллоқ додима Неча Мажнун чок яқо айлаб, албадан оздилаар.

Қўзёшим дарё бўлиб гуллади рибхўз² неча, Марказий Фарғонада мажбур каналлар қоздилар.

Алимент қистаб нафас олдирмас тун-кун Али мент, Вовайло, мажбурий ижро ҳаммомда таппа бостилаар.

Ойнинг ўн беши ёруғ деб ўн беш суткада ёзмешам, Камбар³дан бир отим ташла, ўқсук кўнгилки нос тилар.

Мулла ХУНОБ

¹Бурунг замонларда қонуни никоҳ маҳкамаси

²Балиқчилик ҳўжалиги

³Қўрганларга аён, чиллахона дарчаси

ЯНГИ ЛУФАТ

Атамалар шарҳи

АДМИН – ижтимоий тармоқ саҳифаларидағи ўзан ва гурухларни бошқарадиган, назорат қиладиган, тартибни сақлайдиган, веб-сайт ва бошқа турдаги тармоқ фойдаланувчилари ҳуқуқларини белгилови масъул.

БИТКОИН – рақамли шаклдагина мавжуд бўлган валюта тури. Үндан фақат онлайн тўлов ва сармоя кириши сингари жараёнларда фойдаланиш мумкин. Уни ҳеч қанад масъул идора ёки банк назорат қилмайди.

БЛОКЧЕЙН – барча учун очиқ ва ўзгармас бўлган маълумотлар базаси. Бошқа маълумот базаларидан фарқи – уни бир киши бошқармайди. Унинг ёрдамида турли операцияларни амалга ошириш мумкин. Технология жуда кенг доирадаги иловаларга хизмат кўрсатиш имконига эга.

ЛАЙФХАҚ – турли ҳаёттӣ вазифаларни бажаришни осонлаштиришга мўлжалланган кўпланма. Кучни, вактни ва маблагни тежашга қаратилган маслаҳатлар мажмуйи.

Газетхонларимизда мазкур сўзларнинг ўзбекча муқобилига таклиф бўлса, телеграм орқали @jadidgamurojaat_bot манзилига юборишларни сўраймиз.



ТИЛБИЛИМ

TOFA

Биласизми, ўзбек тилида
қариндошлини билдиричуви сўзларнинг кўплиги сўзловчи учун анча қулалик тутдириди. Дейлик, биргина "тога" дейиш билан гап онанинг ака-укаси ё она томондан эркак қариндо ҳақида эканлиги англasiдан дода. Ота қариндошлини эса "амаки" деймиз. Инглиз, француз, рус ва ҳоказо тилларда бу қулалик йўқ, яъни уларда "тога" ва "амаки" бир сўз билан ифодаланади (инглиз: "uncle"; француз: "oncle"; рус: "дядя").

Манбаларга таъниб айтиш мумкин, илгари туркий тилларда бундай сўзлар яна ҳам кўпроқ бўлган. Лекин, афсуски, уларнинг акаслини бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар эвазига унтилган. Дейлик, "амаки" ҳам ярим арабий, ярим форсий сўз (ъам+ак+и), бугун биз ота қариндошлини: "амаки ака", "амаки ука", "амаки бува" деймиз. Аммо "амаки" ҳали ҳам шеваларга бутунлай сингиб улгурмаган, айтайлик, ҳозир ҳам шеваларда отанинг ака-укаси ёки амакиларга "ака" деб мурожаат этилади.

Хўш, "амаки" тилимизга ўзлашмасдан олдин шу маънодаги бошқа бир туркий сўз бўлганини?

Ха, бўлган. Қадимги туркийда "аб", "аба" сўзлари – "ота", "бобо" маъноларни билдириган. Айтайлик, тигишан ака, укага нисбатан "ака", "ука", "ога", "ини" дейилса, баъзи туркий лаъжаларда уларнинг олдига "аб" сўзини кўшиб: "абага" (аб оға), "абака" (аб ака), "авақа" каби сўзлар ясалган. Яъни бу сўзлар айнан отанинг ака-укалари, ота томондан эркак қариндошлини яхшисатишилаб, бугунги "амаки" маъносини билдиришади.

Она қариндошлини аташ учун эса маҳсус "тай" олд кўшимчасидан фойдаланилган. Дейлик, "тай оға" – тога, "тай она" – она томондан буви, "тай ёжа" – онанинг опаси ё синглиси, "хола" ва ҳоказо. Қирғиз тилида хозир ҳам "хола", яъни онанинг опаси ё синглиси "маъносидаги таеже" сўзи сақланган. "Ўзбек хола" шеваларни китобида келтиришича, Наманган худудида яқин йилларгача ҳам "она қариндо" маъносида "тай" сўзи ва шу сўз иштироқидаги "тай это", "тай оне" каби сўзлар кўлланилган (УХШЛ.Т.1971.355-бет). "Этимологический словарь тюркских языков" сўзини билдиришади.

Она қариндошлини аташ учун эса маҳсус "тай" олд кўшимчасидан фойдаланилган. Дейлик, "тай оға" – тога, "тай она" – она томондан буви, "тай ёжа" – онанинг опаси ё синглиси "маъносидаги таеже" сўзи сақланган. "Ўзбек хола" шеваларни китобида келтиришича, Наманган худудида яқин йилларгача ҳам "она қариндо" маъносида "тай" сўзи ва шу сўз иштироқидаги "тай это", "тай оне" каби сўзлар кўлланилган (УХШЛ.Т.1971.355-бет). "Этимологический словарь тюркских языков" сўзини билдиришади.

Мутахассисларга кўра, қадимги туркий ёки прототуркий тилида "тай" ("дай") сўзи – "она" маъносини англаптан бўлши мумкин. Шундай қилиб, "тога" ҳам "тай" ва "ога" сўзларни кўшиш йўли билан ясалган, деб қаралади. "Ўзбек тилининг этимологики лугати" мўаллифи Шавкат Раҳматуллаев бу эврилиши шундай кўрсатади: тай + аға = тайага > та:ға > таға (ЎТЭЛ.І.352).

"Девону луготит-турк" да бу сўз: "тагай" шаклида келтирилади. (Аммо "Девон" нинг ўзбекча нашрида унинг "амаки" деб изоҳланishi, бизнингча, тўғри эмас. Басим Аталаининг туркча нашрида эса – "dayi", яъни "тога" деб тўғри ўтирилган (ДЛТ.ІІ.256; ДЛТ.ІІ.238).)

"Девон"да "тагай" шаклини туркшасидан ишлаб чиқарди. Герхард Дорфер мулоҳазаларига таянилса, "тагай" бирламчи бўлиши ҳам мумкин (тагай > та:ай > тай).

Биз "тагай" шаклини туркшасидан ишлаб чиқарди. Уни Ҳоразм яшаган туркий халқлар, асосан қипчоклар ўртасида "тагай" деб таъниб этилади. Мъльумки, корлук ва қипчоқ шеваларидаги "т" товуши ўгуз шеваларидаги "д" товушини кўпинча "д"га айланади, "ғ" товушини бъазсан талафузу қилинади. Шу қоидада кўра, "тагай" сўзини келтирилади. Мъльумки, корлук ва қипчоқ шеваларидаги "т" товушини кўпинча "д"га айланади, "ғ" товушини бъазсан талафузу қилинади. Шу қоидада кўра, "тагай" сўзини келтирилади. Мъльумки, корлук ва қипчоқ шеваларидаги "т" товушини кўпинча "д"га айланади, "ғ" товушини бъазсан талафузу қилинади. Шу қоидада кўра, "тагай" сўзини келтирилади. Мъльумки, корлук ва қипчоқ шеваларидаги "т" товушини кўпинча "д"га айланади, "ғ" товушини бъазсан талафузу қилинади. Шу қоидада кўра, "тагай" сўзини келтирилади. Мъльумки, корлук ва қипчоқ шеваларидаги "т"